

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АБДУЛЛАЕВ АСИЛБЕК ОНГДАЛИЕВИЧ**

**ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ПАТОГЕН ЭШЕРИХИЯ ВА SALMONELLA  
ENTERITIDIS – ТАРҚАЛИШИ, БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
(ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абдуллаев Асилбек Онгдалиевич**

Ўткир ичак инфекцияси билан касалланган беморларда патоген эшерихия ва *Salmonella enteritidis* – тарқалиши, биологик хусусиятлари (Тошкент шаҳри мисолида)..... 3

**Абдуллаев Асилбек Онгдалиевич**

Патогенные эшерихии и *Salmonella enteritidis* у больных острой кишечной инфекцией – распространенность, биологические свойства (на примере г. Ташкента)..... 25

**Abdullaev Asilbek Ongdalievich**

Pathogenic Escherichia and *Salmonella enteritidis* in patients with acute intestinal infection - prevalence, biological properties (on the example of Tashkent)..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АБДУЛЛАЕВ АСИЛБЕК ОНГДАЛИЕВИЧ**

**ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА ПАТОГЕН ЭШЕРИХИЯ ВА SALMONELLA  
ENTERITIDIS – ТАРҚАЛИШИ, БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
(ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib534 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Исхакова Халида Илхамовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мухамедов Иламан Мухамедович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Нурузова Зухра Абдукадировна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент педиатрия тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 08 куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 764 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» сентябрь кунлари тарқатилди.

(2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Н. Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б. М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда бутун дунёда ўткир ичак инфекцияси (ЎИИ) сонининг ўсиш тенденцияси ва беморлар сонининг ривожланган, ҳамда ривожланаётган давлатларда ортиши кузатилмоқда. Жаҳон миқёсида, юқумли касалликлар, жумладан «... ўткир ичак инфекциясининг йил сайин ортиши, оғир даражада учраши ва беморлар ҳаёт сифатини пасайиши тиббий ва ижтимоий муаммолардан бирига айланди»<sup>1</sup>. Ҳозирги замон тиббиёти маълумотларига кўра, ЎИИ кўзғатувчиларининг антибактериал препаратларга турғунлик аломатлари генлар ёрдамида яқин авлодларига ўтказиш қобилиятига эга. Бу эса, тиббиёт муассасаларида антибиотикларнинг доимий селектив таъсири натижасида, айниқса реанимация ва интенсив терапия бўлимларида, турғунлик механизмларини янги турларини кенгроқ тарқалиш ҳолатлари юзага келишига олиб келади. Шу жиҳатдан, ЎИИни ўз вақтида ва эрта ташхислашнинг замонавий усулларини қўллаш, даволаш ва профилактика жараёнларини такомиллаштириш, ўлим ҳолатларини олдини олиш амалий тиббиётни устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ўткир ичак инфекцияси муаммоли бактериал патогенларнинг антибактериал препаратларга чидамлилигини асослаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан шифохоналарда ўткир ичак инфекцияси этиологиясини ретроспектив таҳлили асосида аҳамиятли *Escherichia spp.* ва *Salmonella enteritidis* ларнинг тарқалиши, патоген вакилларини аниқлаш ҳамда фарқлаш, замонавий антибиотикларга турғунлигининг динамикасини таҳлили, антибиотикларга турғунлигини белгиловчи фенотиплари ва генотипларини аниқлаш, эшерихия веротоксинларига текшириш, диареяген *Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* штаммларининг патоген серовариантларини антибиотикларга чидамлилигининг етакчи механизмларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ўткир ичак инфекцияси билан оғриган беморлардан ажратилган патоген серологик вариантларини антибактериал препаратларга чидамлилигини шаклланиши сабабини аниқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни олдини олиш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, ўткир ичак инфекцияси кўзғатувчиларини аниқлашнинг содда, арзон ва қулай фенотипик усулларини

<sup>1</sup>Global Burden of Disease 2019. World Health Organization Geneva.<http://www.who.int/publications>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

янада ривожлантириш, микроорганизмларнинг микробларга қарши воситаларга сезгирлигини аниқлаш усуллари ва антибактериал даволаш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПК-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантиришни чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бактериал этиологияли ЎИИ билан касалланиш даражаси юқориликча қолмоқда, шунинг учун улар юқумли касалликлар патологиясида долзарб муаммо бўлиб қолмоқда (Туйчиев Л.Н. ва ҳаммуаллифлар., 2013; Абдухалилова Г.К., 2017; Ирсимбетова Н.А. ва ҳаммуаллифлар., 2017; Никольская М. В. ва ҳаммуаллифлар., 2018; Кафтырева Л.А. ҳаммуаллифлар., 2020; Cookson A.L. et al., 2010; Nyholm O.I. et al., 2015; Behl P, 2017). Глобаллашувнинг ўсиш суръатлари, шунингдек, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришнинг жадаллашиши, ҳозирги кунда ЎИИ этиологик агентлари доирасининг кенгайишини асосий хавфли омиллари ҳисобланиб, эпидемиологик вазиятнинг мураккаблашинининг сабабчиси сифатида тан олинган (Черкасский Б.Л, 2007; Сергеев В.И. ва ҳаммуаллифлар 2013; Саидалиев С.С., Таджиева Н.У., 2016; Ковалев О. Б. ва ҳаммуаллифлар 2019; Crim S. et al., 2018). Албатта, микроорганизмларнинг ўзига хос эволюцияси, эпидемиологик вазиятга, шунингдек, кўзғатувчиларнинг дори воситалари ва дезинфекцияловчи моддаларга сезгирлигини ўзгаришига ҳам таъсир қилади (Сергиев В.П., ва бошқалар, 2006 ; Ogura Y. et al., 2017; Egorova S.A., 2018). 1995 йилда салмонеллэларга қарши курашиш бўйича глобал тармоқ ташкил этилди (GSS), кейинчалик у озиқ-овқат билан юқадиган инфекциялар глобал кузатув тармоғига айланди (GFN). Тармоқ ўз олдига патогенлар рўйхатини тўлдириб бориш ва 2008 йилга келиб, дунё бўйлаб салмонелла, шигелла, эшерихия ва кампилобактерлардан иборат диарея касалликларини кўзғатадиган, патогенларнинг циркуляциясини кузатиб боришни вазифа қилиб белгилаб олди.

Сўнгги йилларда ўткир ичак инфекциялари таркибида *Escherichia coli* патоген вариантларининг этиологик аҳамияти ошди. Юқори патоген потенциалга эга диарееген ичак тайёкчаси диареянинг этиологик омилли ҳисобланади. Ушбу микроорганизмларнинг вирулентлигини белгилайдиган

омилларни аниқлаш, *Escherichia coli* штаммларини идентификацияси, уларнинг диарея ривожланишидаги этиологик ва эпидемиологик аҳамиятини аниқлаш учун зарур. *Escherichia coli* одамларда, иссиқ қонли ҳайвонларда ичак микробиотасининг доимий таркибий қисмларидан бири бўлиб, ичакнинг меърий микробиоценозини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, 10-чи бор қайта кўрилган Касалликларнинг Халқаро таснифига (КХТ-10, 1997) мувофиқ, *Escherichia coli* ўртасида патоген вариантлари мавжуддир: энтерогеморрагик (ЕНЕС), энтеротоксиген (ЕТЕС), энтеропатоген (ЕРЕС), энтероинвазив ичак таёқчалари (ЕИЕС) (Мухамедов И.М., 2011; Кафтырева Л.А. ва бошқ., 2013; Кафтырева Л.А. ва ҳаммуаллифлар., 2020). Охирги вақтда диарееген *Escherichia coli* ни гуруҳлашда янги ёндашувлар пайдо бўлди: STEC гуруҳи (Шига токсинини ишлаб чиқарадиган эшерихиялар), унинг таркибига ЕНЕС ва но-ЕНЕС гуруҳлар киради (Онищенко Г.Г. ва бошқ., 2015; Новоселов В. Г., Сергевнин В. И. 2018; Fleckenstein JM. 2013; Tuychiev L. et al., 2014; Peña-Gonzalez A, et al., 2019).

*Escherichia coli* ва бошқа шартли-патоген (оппортунистик) энтеробактериялар (ШПЭ) нинг беталактамларга резистентлиги кўпинча ушбу антибиотикларни гидролизлайдиган ферментлар ишлаб чиқариши билан боғлиқ (Сухорукова М.В. ва ҳаммуаллифлар 2014; Козлов Р.С., ва бошқалар 2018; Куцевалова О.Ю., 2019; Nordmann P. et al., 2011; Yang Q. et al., 2013). Кўпгина муаллифлар карбапенемаза ва металкарбапенемаза ферментларини ишлаб чиқарувчиларни аниқлашнинг молекуляр-генетик усулларида ташқари, ушбу ферментларни госпитал инфекцияларни қўзғатувчиларида аниқлашнинг содда, арзон ва қулай фенотипик усуллари янада ривожлантириш ҳамда кенг жорий этиш зарур деб ҳисоблашади (Кафтырева Л.А. ва ҳаммуаллифлар, 2016; Виткова О.А. ва ҳаммуаллифлар., 2017; Jacoby. et al., 2006; Nordmann P. et al., 2012; Mezger A. et al., 2015).

Ўзбекистондаги болалар ва катталардаги ўткир ичак инфекцияларининг этиологик омили сифатида диарея чакирувчи *Escherichia coli* бўйича маълумотлар деярли мавжуд эмас (Даминов Т.А. ва ҳаммуаллифлар., 2009; Туйчиев Л.Н., Эралиев У.Э., 2016).

Шундай қилиб, мамлакатимизда ҳамда чет элда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда, патогенларнинг энг муҳим микробиологик хусусиятларини аниқлаш ва бактериал ЎИИ ни этиологик жиҳатдан мақсадли даволаш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Минтақамизда ЎИИ билан касалланган беморларда энг кўп учрайдиган патоген *Escherichia coli* ва серовар *Salmonella enteritidis* нинг вирулентлик омиллари йиғиндиси ва замонавий антибиотикларга чидамлилиги бўйича ўрганиш айниқса аҳамиятли ва долзарбдир.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот режаларига

мувофиқ ССВ-Ф-034; ПФИ-6-сонли «Одам учун патоген эшерихиянинг ҳудудга хос хусусиятлари: вирулентлик омили бўйича фенотипларини, антибиотикларга чидамлилигини ўрганиш ҳамда муқобил препаратларнинг (фитопрепаратлар) самарадорлигини аниқлаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** ўткир ичак инфекцияси билан касалланган беморларда патоген эшерихия ва *Salmonella enteritidis* – тарқалиши, биологик хусусиятларини аниқлаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўп йиллик динамикада бактериологик лабораториялар маълумотларига кўра, ўткир ичак инфекциялари кўзгатувчиларининг этиологик тузилмаси ва профилини баҳолаш;

фенотипик усулларда селектив озуқа муҳитлари негизида ЎИИ билан касалланган беморларда *Escherichia coli* O157:H7 (сорбит-манфий вариантлари), *Escherichia coli* O104:H4 аниқлаш;

ЎИИ билан касалланган беморларда *Escherichia coli* (Stx1 и Stx2) веротоксинларини ишлаб чиқилишини баҳолаш;

*Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* изолятларини биологик хусусиятлари бўйича ўрганиш ва патоген сероварларини аниқлаш;

*Escherichia coli* таркибида веротоксинларга ижобий, сорбит-манфий, налидикс кислотага, цефотаксимга чидамли, диарееген ЕНЕС, ЕТЕС, ЕРЕС, ЕПЕС/Shigella spp. - эшерихияларнинг асосий гуруҳларида вирулентлик генлари мавжудлиги ва бирикмасини аниқлаш;

*Escherichia coli* нинг патоген вариантларини EUCAST стандартлари асосида анъанавий диск диффузия усули билан турли синфдаги антибиотикларга чидамлилигини аниқлаш;

цефалоспоринлар ва карбапенемларга резистент штаммларда, кенг спектрли беталактамазалар, карбапенемазалар ишлаб чиқаришни комбинациялашган дисклар усули билан аниқлаш;

ўткир ичак инфекцияси билан касалланган беморларда патоген эшерихия ва салмонелланинг ўзига хос биологик хусусиятларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий - амалий тиббиёт марказининг клиник шифохонасида даволанган 150 нафар ва 4-сон Тошкент шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонасида ўткир ичак инфекциясининг турли шакллари билан даволанган 200 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ўткир ичак инфекциясининг турли шакллари билан касалланган беморлардан олинган биологик материаллардан (нажас) ажратилган *Escherichia coli* (350) ва *Salmonella enteritidis* (40) штаммлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун бактериологик (анъанавий диск-диффузия ва «икки томонлама



диск» усуллари), серологик (иммунофермент таҳлил), молекуляр-генетик (полимераза занжир реакцияси усули) ва статистик (Пирсон коэффициентлари хи квадрат ( $\chi^2$ ) вариацион ва Фишер усули) усуллари билан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент шаҳри мисолида ўткир ичак инфекцияси билан оғриган беморлардан ажратилган *Escherichia coli* O104:H4 нинг антибиотикга чидамли патоген вариантлари мавжудлиги исботланган;

ўткир ичак инфекцияси билан оғриган беморларда *Escherichia coli* штаммларининг веротоксинларни ишлаб чиқариши исботланган;

илк бор антимикроб воситаларга чидамли *Escherichia coli* нинг маҳаллий изолятларида, асосий гуруҳларга мануб диареяга эшерихияларда *EHEC, ETEC, EPEC, EIEC/Shigella spp. stx1 stx2, ipaH* ва *eae* генларининг мавжудлиги исботланган;

диареяга *Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* нинг маҳаллий штаммларини патоген вариантлари бетталактам антибиотикларига чидамлилиги шаклланиши асосланган;

илк бор бетталактам антибиотикларига чидамли диареяга *Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* штаммлари цефалоспоринларни парчаловчи кенг спектрдаги бета-лактамаза ҳамда карбапенемларни парчаловчи карбапенемаза ферментларини ишлаб чиқариши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диарея чакирувчи *Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* госпитал штаммларининг антибиотикларга чидамлилигини аниқлаш учун қулай, диск-диффузион скрининг усули ишлаб чиқилган;

*Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* штаммлари томонидан кенг спектрдаги беталактамазалар ишлаб чиқарилишини аниқлаш учун иккита фенотипик усулни (синергид иккиталик диск ва комбинирланган диск усули) таққослаб ўрганиш, цефтазидим ва клавуланат билан комбинацияланган дисклардан фойдаланганда синергид иккиталик диск усулининг афзаллиги аниқланган;

*Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* штаммлари томонидан металобеталактамазаларнинг ишлаб чиқарилишини аниқлашнинг иккита фенотипик усулини ўрганиш, тижоратдаги ЭТДА ли дисклари, янги тайёрланган ЭТДА ли дисклар билан таққослаганда кам самарали эканлиги аниқланган;

клиник жиҳатдан аҳамиятга эга, диарея чакирувчи *Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* штаммлари учун ишлаб чиқилган учта дифференциал диагностика схемалари асосида, таҳлил натижаларини 18-24 соат ўрнига 6-8 соатга қисқаришига имкон берадиган қоғоз индикатор тестлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган тадқиқот ишида қўлланилган барча ёндашувлар, усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулининг қўлланганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи бактериологик, серологик ва

молекуляр-генетик ҳамда статистик усулларига таянганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, республикада ЎИИ турли шакллари билан оғриган беморларда *Escherichia coli* O157:H7 билан боғлиқ сорбит негатив вариантлари, *Escherichia coli* O104: H4га тегишли налидикс кислота ва цефотаксимга чидамли штаммлар ва уларни тарқалганлиги, беморларда *Escherichia coli* (Stx1 и Stx2) штаммларининг патогенлиги ва вирулентлигини тавсифлаш учун веротоксинларнинг аҳамияти, налидикс кислота, цефотаксимга чидамли *Escherichia coli* изолятларида диареяга эшерихиялар ЕНЕС, ЕТЕС, ЕРЕС, ЕІЕС/Shigella spp.асосий гуруҳлари генларининг мавжудлиги, *Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* маҳаллий штаммларининг патоген вариантларини энг кўп тарқалган ва заруриятга эга синфга мансуб беталактам антибиотикларига чидамлилигининг етакчи механизмларини аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диарея чақирувчи *Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* штаммлари учун ишлаб чиқилган учта дифференциал диагностика схемалари асосида, таҳлил натижаларини 18-24 соат ўрнига 6-8 соатга қисқаришига имкон берадиган қоғоз индикатор тестлари ишлаб чиқилиши, беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтиришбилан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ўткир ичак инфекцияси билан касалланган беморларда патоген эшерихия ва *Salmonella enteritidis* – тарқалиши, биологик хусусиятларини аниқлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

микроорганизмларнинг диск-диффузия усули билан микробларга қарши воситаларга сезгирлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Одатий озуқавий эҳтиёжга эга бўлган микроорганизмларнинг диск-диффузия усули билан микробларга қарши воситаларга сезгирлигини аниқлаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/145-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЎИИ долзарб бактериал кўзғатувчиларининг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш EUCAST стандартларига мувофиқ такомиллаштиришга ёрдам берган, бу эса диск-диффуз усули натижаларини клиник талқин қилиш ва этиологик асосланган даволашни оптималлаштириш имконини берган;

бактерияларнинг карбапенем антибиотикларига чидамлилигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Бактерияларнинг карбапенем антибиотикларига чидамлилигини аниқлашнинг тезкор ва содда усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/145-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома қисқа вақт ичида этиотроп даволанишни яхшилаш, карбапенемларга сезгирликни тезда аниқлаш ва иқтисодий самарадорлик имконини берган;

Ўткир ичак инфекцияси билан касалланган беморларда патоген эшерихия ва *Salmonella enteritidis* – тарқалиши, биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Хоразм вилоят СЭО ва ЖСХБ ва Қорақолпоғистон Республикаси СЭО ва ЖСХБ бактериологик лабораториялари фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги 8н-з/61-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши касалликни эрта ташхислаш ва самарали даволаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда касаллик асоратларини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўткир ичак инфекциялари билан оғриган беморлардан ажратилган диареяген *Escherichia coli* ва *Salmonella enteritidis* нинг хусусиятлари» деб номланган биринчи боби ўткир ичак инфекцияларининг эпидемиологияси, мажмуавий клиник-лаборатория ташхисоти ва ўткир ичак инфекциясининг этиологиясига бағишланган. Аҳоли ўртасида ўткир ичак инфекцияларининг тарқалиши ва кўзғатувчиларнинг ажратилиш даражаси тавсифланган. Ушбу бобда бактериологик лабораторияларнинг кундалик амалиётида қўлланиладиган микробиологик ташхисотга ва усулларга замонавий ёндашувлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Адабиётларни таҳлил қилишда микробиологик диагностиканинг юқори технологияли, тезлашган ва кундалик усулларни замонавий асослаш, шунингдек ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қиладиган муаммолар баён этилган.

Диссертациянинг «Ўткир ичак инфекцияси билан касалланган беморлардан ажратилган патоген эшерихиялар ва *Salmonella enteritidis* ни ўрганиш бўйича материаллар ва текшириш усуллари» деб номланган, иккинчи бобида материал ва тадқиқот усуллари баён этилган. 2018-2019 йилларда Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий- амалий тиббиёт маркази (РИЭМЮПКИАТМ) клиникасининг ўткир ичак инфекциялари ва жонлаштириш бўлимлари ва 4-сон Тошкент шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонасида ЎИИ билан касалланган беморлардан ажратилган микроорганизмлар культураларида тадқиқот ишлари амалга оширилди. 4-сон шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонасида даволанган беморлар, ўткир ичак инфекцияси бўлими: 1.Ташхис -ЎИИ: Ўткир диарея ўртача оғирликдаги гастроэнтероколитик варианты. Асорати: Гемоколит (n=168 беморлар). 2. Реанимация ва инсенсив терапия бўлими (РИТБ): Ташхис: Ўткир буйрак етишмовчилиги (ЎБЕ),гемолитик-уремик синдром (ГУС) (N=10). 2018-2019 йилларда РИЭМЮПКИАТМ нинг клиникасида даволанган беморлар. ЎИИ ва РИТБ бўлимлари. 1.ташхис-ЎИИ - Ўткир диарея, ўртача оғирликдаги гастроэнтероколитик варианты. Асорати: Гемоколит (n = 150). 2.РИЭМЮПКИАТМ РИТБ: Ташхис: ГУС, ЎБЕ (n = 22).

Тадқиқотнинг усуллари. Барча беморларнинг нажаслари иммунофермент таҳлили (ИФТ) учун мўлжалланган (RIDASCREEN C2201 R-Biopharm AG) тижорат тўпламидан фойдаланган ҳолда шигасимон токсинга (Stx 1 ва Stx2 веротоксинлари) текширилди. Барча нажас намуналари mTSB/RIDASCREEN бульонида бойитилган (арт. № Z1000). Иммунофермент таҳлили жавоблари оптик зичлиги (ОЗ)-450 нм бўлган MINDRAY ИФА анализатори ёрдамида аниқланди.

ЎИИ билан касалланган беморларда 0157:H7 ва O104:H4 энтерогеморрагик ичак таёкчаси (ЭГИТ) сероварларини аниқлаш учун мўлжалланган махсус селектив муҳитлар синовдан ўтказилди. Баъзи ҳолларда, атипик, фарқланиши қийин бўлган культураларни ажратишда, минтақавий аҳамиятга эга бўлган 3та лабораторияларда ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг VITEK® MS IVD V3 (bioMérieux, France) масс-спектрометрия (MALDI-TOF) аппарати ёрдамида идентификация амалга оширилди.

*E. coli* ва *Salmonella enteritidis* ҳамда уларга ўхшаш грамманфий энтеробактериялар кенгайтирилган дифференциация схемалари асосида идентификация қилинди.

Антибиотикларга чидамлилигини аниқлаш EUCAST стандарти (2018) бўйича турли синф ва гуруҳдаги антибактериал препаратларга диск-диффузия усули билан амалга оширилди. Шунингдек, кенг спектрдаги бета-лактамаза (КСБЛ) маҳсулотларини аниқлаш амалга оширилди – диск-диффузион усулида (ДДУ) дастлабки скрининг; ЎИИ га чалинган беморлардан ажратиб олинган *E. coli* ва *Salmonella enteritidis* штаммлари (78 штамм) ва соғлом шахслардан ажратиб олинган *E.coli* (50 штамм) «икки

томонлама диск» усули билан КСБЛ маҳсулотларини тасдиқлаш амалга оширилди.

*E. coli* нинг тасдиқланган штаммларида вирулентлик генлари мавжудлигини аниқлаш учун ПЗР ёрдамида типларга ажратиш ўтказилди. Тадқиқотлар Германияда ишлаб чиқарилган Rotor Gene Q – SNR0911/54 ёрдамида ПЗР анализаторидан фойдаланиб, ПЗР диагностикаси бўйича референс лабораториясида бажарилди. R-BiopharmAG ишлаб чиқарувчиси кўрсатмаларига биноан, вирулентлик генларининг турли хил бирикмалари диареяген эшерихияларнинг турли хил вариантлари (гуруҳлари) ҳақида далолат беради.

Тадқиқотлар мамлакатимизда қабул қилинган этика меъёрларига риоя қилинган ҳолда ўтказилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш «Statistica for Windows 7.0» персонал компьютер дастурлари тўплами ёрдамида амалга оширилди.


Диссертациянинг «**2008-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида ЎИИ билан касалланган беморларни бактериологик текшириш маълумотлари бўйича шартли-патоген энтеробактериялар туркумининг тузилмасини ва сальмонелла сероварларини аниқлашни кўп йиллик динамикасининг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида бактериологик лабораторияларнинг маълумотларига кўра, 2008-2017 йилларда Ўзбекистонда ўткир ичак инфекциясига чалинган беморлардан ажратилган шартли-патоген энтеробактерияларнинг умумий тузилмасини таҳлили натижаси баён этилган.

2008-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида ЎИИ билан касалланган беморларда ШПЭ ларни ажратиш ва идентификация қилиш бўйича бактериологик текширишлар маълумотлари таҳлил қилинди. Уларнинг туркум ва турларга мансублиги ҳудудий бактериологик лабораторияларда меъерий ҳужжатларга мувофиқ ўрганилиб, кейинчалик вилоят ва шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бошқармаси (СЭО ва ЖСХБ) бактериологик лабораторияларида тасдиқланди. Кузатиш даврида Ўзбекистон Республикаси бўйича ШПЭ нинг 53050 культураси ажратилган. Шартли патоген энтеробактерияларнинг турли хил туркумларининг солиштирма улуши 1-расмда келтирилган.

Кам ҳолларда ажратиладиган туркумлар умумий гуруҳга бирлаштирилган бўлиб, мазкур гуруҳ *Serratia spp.*-609 (1,14%), *Hafnia spp.*-1246 (2,3%), *Edwardsiella spp.* -217 (0,4%), *Providencia spp.*- 108 (0,2%), *Morganella spp.* -157 (0,3%) ва номаълум энтеробактериялар - 279 (0,55) туркумлардан иборат эди. Таҳлиллар туркумларга мансублиги бўйича амалга оширилди, шулардан 4 та туркумнинг ҳар бири одатда битта, яъни энг кенг тарқалган: *Proteus spp.* - *P.mirabilis* тури, *Citrobacter spp.*- *C.freindii* тури, *Enterobacter spp.* - *E.cloacae*, *Klebsiella spp.*- *K.pneumoniae* тур билан ифодаланган эди.


Кўриниб турибдики, таҳлил қилинган йилларда протейлар устунлик қилган, ажратилган штаммларнинг аксарияти (17469-32,9%) ушбу турга

мансуб ва уларнинг ажратилиши турли йилларда сезиларли ўзгармаган (33,0%-39,0%).



1-расм. Ўзбекистонда 2008-2017 йиллар даврда ЎИИдаги турли ШПЭ туркумининг солиштирма улуши (% да)

Шу каби аналогик маълумотлар Тошкент шаҳри бўйича қуйидаги ҳолат кузатилди (2-расм).



2-расм. Тошкент шаҳрида 2008-2017 йиллар даврда ЎИИдаги турли ШПЭ нинг солиштирма улуши (%да)

Фақат 2012 - 2013 йилларда клебсиеллалар биров энтеробактерияларга нисбатан кўпроқ ажратилган (35% ва 25%). Бошқа барча йилларда уларнинг солиштирма улуши бошқа барча туркумларга қараганда анча юқори бўлган - 2014 ва 2017 йилларда энг юқори кўрсаткич (75% ва 73%) аниқланди, бошқа йилларда 45% дан 64% гача бўлган.

Шундай қилиб, умуман республика бўйича ва пойтахтда ЎИИ билан касалланган беморларнинг бактериологик таҳлиллари натижалари ўртасида сезиларли фарқ мавжуд. ЎИИда нажасни таҳлил қилишда микроорганизмларнинг туркум тузилмасида сезиларли фарқлар культураларни ажратишнинг турли услубий ёндашувлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Таҳлил қилинаётган 2008 – 2017 йилларда республикада тифсимон гуруҳга кирмаган сальмонеллаларнинг 12190 та штамлари ажратилган. Иккита серовар доминант бўлган - *S. typhimurium* - 8460 (69,4%) ва *S. enteritidis* 2108 (17,3%), 1622 штамм (13,3%) бошқа гуруҳ сероварларига тегишли эди. Ушбу серовар гуруҳларнинг турли йилларда аниқланиши 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида Ўткир ичак инфекцияси билан касалланган беморларда иккита асосий сероварларнинг ва бошқа гуруҳдаги сальмонелла гуруҳларини ажратилишининг кўп йиллик динамикаси

т/р	Йиллар	Жами тифсимон гуруҳга мансуб бўлмаган сальмонеллалар	<i>Salmonella typhimurium</i>		<i>Salmonella enteritidis</i>		Бошқа Сероварлар	
			м.р.	%	м.р.	%	м.р.	%
1	2008	1994	1579	79,2	181	9,1	234	11,7
2	2009	1632	1348	82,6	152	9,3	132	8
3	2010	1534	1258	82	168	10,5	108	7
4	2011	1134	935	82,5	110	9,7	89	7,8
5	2012	992	700	70,5	98	20	94	9,4
6	2013	1052	705	67	195	18,5	152	14,4
7	2014	1164	704	60,5	211	18,1	249	21,4
8	2015	791	377	47,7	192	24,3	222	28
9	2016	937	451	48,1	321	34,3	165	17,6
10	2017	960	403	41,9	380	39,5	177	18,4

1-жадвалда 2008-2011 йиллар мобайнида *S. Typhimurium* лар доминант бўлганлиги кўрсатилган, улар ЎИИ билан оғриган беморларнинг 79,0-82,5% да аниқланган, *S. enteritidis* ажратилиш даражаси 9,7% дан ошмаган. 2012 йилда ушбу сероварни аниқлаш икки бараварга ошган, кейинги йилларда бу кўрсаткич аста-секин ошиб борган ва 2017 йилга келиб, ушбу кўрсаткич *S. typhimurium* нинг аниқланиши даражасига деярли тенглашган (мос равишда 42,0% ва 39,5%).

Тошкент шаҳри бўйича маълумотлар ўртача республика кўрсаткичларидан сезиларли даражада фарқ қилди.


Шундай қилиб, бутун кузатув даврида пойтахтда сальмонеллаларнинг бошқа сероварлари деярли икки баравар камроқ аниқланган – 443 та штамм (7,6%), *S. enteritidis* униб чиқиш даражаси эса ўртача республика даражасидан 1,6 баравар юқори бўлган (1678 штамм, 28,6%).

Кузатиш динамикасида ЎИИда *S. enteritidis* ни этиологик аҳамиятининг ортиши 3-расмда акс этган.

Жаҳонда сальмонеллезларда эпидемик жараённинг ўзига хос хусусиятлари аксарият эпидемик кўтарилишлар, эпидемиялар *S. enterica* нинг турости иккита доминант сероварларидан бири билан боғлиқ бўлиб, вақт ва маконда ўзгаришини намоён қилади. Ўтган асрнинг 80-йилларигача дунё

бўйича одам популяциясида *S. enterica* нинг серовари (*S. thyphimurium*) энг кўп тарқалган, ҳозирги вақтда *S. enteritidis* серовари устунлик қилади.

Гипотезалардан бири кемирувчилар популяциясида *S. enteritidis* резервуарининг мавжудлиги, бошқаси эса товуқ фермаларида *S. enteritidis* сероварига яқин турдош бўлган *Gallinarum* сероварига қарши товуқларни эмлаш эпидемик ўзгаришларга олиб келган деб, ҳисоблайди.



**3-расм. 2008-2017 йилларда Тошкент шаҳрида ЎИИ касалланган беморлардан сальмонеллаларнинг иккита асосий гуруҳларининг ажратилишини солиштирма улуши (%да)**

*S. enteritidis* сероварининг тарқалиши, унинг товуқ тухумларида персистенцияси, ушбу бактерияларнинг ноёблиги ҳисобланади ва одам популяциясида тарқалишида муҳим аҳамиятга эгаллиги билан тушинтирилади.

Диссертациянинг «ЎИИ билан касалланган беморлардан олинган биоматериаллардан диарееген *E. coli* ни ажратиш ва идентификациясида биологик хусусиятларини мажмуавий ген-молекуляр текширишда ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобда шигелла ёки сальмонеллалар ажратилиши кузатилмаган беморларда вирулентлик генини текшириш ва селектив муҳитлардан фойдаланган ҳолда фенотипик ташхисотнинг натижалари келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида диарееген эшерихиялар келтириб чиқарган гемолитик-уремик синдром касаллигининг гуруҳли ҳолатлари қайд этилмаган, аммо 2017-2018 йилларда гемолитик-уремик синдром ва ўткир буйрак етишмовчилиги билан кечадиган ЎИИни рўйхатга олиниши ошган.

Бу эса, ўз навбатида диарееген эшерихия ташхисотида гемолитик-уремик синдром ва ўткир буйрак етишмовчилиги асорати билан кечадиган ЎИИ нинг барча гуруҳларини батафсил ўрганишни тақозо қилади.

Махсус озуқа муҳитларида *E. coli* нинг патогент вариантларини ажратиш/идентификациясида махсуслиги ва сезгирлиги, *E. coli* O157:H7 нинг фарқли биокимёвий хусусияти, сорбитолни парчалаш қобилиятини мавжуд эмаслиги билан боғлиқ (Сорбитол *E. coli* O157:H7 агар).



*E.coli O104:H4* ни ажратишнинг самарали усули цефотаксим ва налидикс кислотали озуқа муҳити ҳисобланади, ушбу муҳитда айтиб ўтилган серовар яхши ўсади, аммо цефотаксим ва налидикс кислотага сезгир энтеробактериялар ўсмайди.

Бирламчи экиш босқичида микроорганизмларни идентификация қилиш мумкин, натижада тадқиқотда вақт қисқаради ва тезлаштирилган натижага эришамиз.

Беморларда ПЗР таҳлиллари (вирулентлик генини RIDA GENE EHEC/ЕPEC мультитплекс тўплами билан текшириш) -16<sup>0</sup>С да музлатилган нажас намуналари билан ўтказилди, диарееген *E. coli* вирулентлигининг 3та асосий генлари - stx1/stx2 (шигасимон веротоксинлар), ipaH (инвазивлик гени) ва eae (адгезивлик гени ёки интимин) генларини мультитплексли ПЗР-да аниқлаш амалга оширилди.

ЎИИ билан оғриган беморларнинг нажас намуналарини молекуляр – генетик текшириш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Беморлар нажасини ПЗР усулида *E. coli* RIDA GENE EHEC/ЕPEC диарееген вариантларига текшириш натижалари

Т.р	Аниқланган генлар	ПЗР натижалари	Мазкур генетик профилга эга, беморлар сони	
			м.р	%
1	stx1, stx2; eae	EHEC	4	20,0
2	eae	EPEC	5	25,0
3	ipaH, (eae)	EIEC/shigellaspp, ( <i>Entoamyobahystolitica</i> )	1	5,0
4	ipaH,	EIEC/shigellaspp,	9	45,0
5	stx1, stx2;	STEC(EHEC),	1	5,0
	ЖАМИ		20	100


Изоҳ: 1) Барча беморларда (19чи «eae \EPEC профили бемордан ташқари) ташхис: ЎД, ўртача оғирликдаги ГЭК, асорати: ГК. 2). 19 чи беморда ташхис: ЎД, оғир даражали ГЭК, асорати: ГУС, ЎБЕ.

20 та ҳолатларнинг учтасида (№3, №10, №18) ipaH ва eae генларнинг бирикмаси аниқланди. Ушбу намуналарнинг амплификация графикларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ipaH гени ҳақида флюоресцент сигналнинг кўтарилиши 16-21 циклдан бошланган; вақт ўтгач, eae генини амплификация маҳсулотларининг пайдо бўлиши аниқланди (фақат 36-циклдан сўнг) (4-расм).

Шунинг учун вирулентлик генларини ўрганиш натижаларини изоҳлашда ушбу намуналар EIEC/Shigella гуруҳи сифатида баҳоланди.

Шига токсинининг энг кўп тарқалган манбаси *Shigella dysenteriae* ва ичак таёқчасининг (STEC) бир қанча серотиплари ҳисобланади, улар қуйидаги серотипларни ўз ичига олади - O157: H7 и O104: H4. ipaH инвазивлик гени кўпроқ намоён бўлди. Юқоридаги 3 ҳолатдан ташқари,

шигасимон *stx1/stx2* токсинлари ва интимин (*eae*) бўлмаган тақдирда, *EIEC/Shigella spp.*нинг яна 7 та ҳолати энтероинвазив диареген эшерихияларга киритилди.



4-расм. Тадқиқотнинг баённомаси. *E.coli* культуралари. К - назорат А) *stx1/stx2* генлари амплификация маҳсулотларининг тўпланиши графиги; Б) *ipaH* гени амплификация маҳсулотларининг тўпланиши графиги

5 нафар беморда (25%) фақат энтеропатоген ичак таёқчаларига– ЕРЕС хос интимин гени аниқланди. Ўрганилган адабиётларда ёзилишича *E.coli* (ЕРЕС / атипик ЕРЕС) нинг О157 антигенига эга энтеропатоген штаммлар дастлаб ЕНЕС бўлганлиги ва *stx* генларига эга бўлганлиги, аммо вақт ўтиши билан уларни йўқотганлиги тахмин қилинмоқда.

Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу гуруҳга ЎД, ГУС ва ЎБЕ ташхиси билан беморлардан фақат биттаси киради. 4 (20%) нафар беморнинг нажасини генетик ўрганиш натижасида *stx1/stx2* веротоксинлари ва *eae* интимин ишлаб чиқариш учун масъул бўлган генларнинг бирикмаси аниқланди; шунга кўра, ушбу беморларда диарея ва гемоколитнинг турларига тўғри келадиган этиологик омил сифатида энтерогеморрагик ичак таёқчалари - ЕНЕС бўлган. 20 нафар беморнинг бирида (5%) фақат веротоксинлар аниқланди; интиминнинг йўқлиги уларни STEC (ЕНЕС) гуруҳига мансублигини кўрсатади. *Shigella dysenteriae 1* га хос *stx1/stx2* ва *ipaH* вирулентлик омиллари учун генларнинг бирикмаси топилмади.

Шундай қилиб, 10(50%) нафар ЎИИ касаллигига чалинган беморларда этиологик омил, инвазив энтеробактериялар гуруҳи бўлиб, улар ЕИЕС ва *Shigella* туркумли вакилларида иборат (*Shigella dysenteriae 1* бундан мустасно).


Кундалик ва юқори технологик усуллар мажмуаси негизида патоген диарееген эшерихия келтириб чиқарган ЎИИ нинг микробиологик ташхисотининг юқори ахборотли, объектив, технологик-логистик алгоритмини ишлаб чиқдик.

Диссертациянинг «Ўткир ичак инфекциясининг бактериал қўзғатувчиларини антимикроб препаратларга сезгирлигининг

